



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОН БУЙНИ РАКЛАРИДА БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШНИНГ МОРФОЛОГИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ТАСНИФИ



Абдураимов Т.М.

Email.ru: boss_007@mail.ru

Р.Ю.Рузибаев.

Email: rach_ter@rambler.ru

Р.Х.Каримов.

Email: r.karimov.86@mail.ru

ORCID-0009-0009-0325-2709

А.А.Ражапов.

Email: Odilbekrajaipov333@gmail.com

РИО ва РИАТМ Хоразм филиали.
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали.
Маъмун университети.

Аннотация: Бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетиш ташхисотида биринчи гинекологик кузатув, кичик чаноқ аъзолари УТТ текшируви, эндометрий қалинлиги, структурасини аниқлаш, цитологик текширув, гистероскопия, кинди олиш, патогистологик текширув, ХГЧ текширув ўтказиш керак.

Бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетишларга эндометрий полипи, аденомиоз, миома, эндометрий гиперплазиясини ташхислашда вагинал ультратовушли текширув ва магнитли-резонанс томографияси каби ноинвазив усуллардан фойдаланишнинг аниқ клиник қўлланилиш кўрсатмаларига эга ва бачадондан аномал қон кетиш патогенезини яхшироқ ўрганишга қизиқиш уйғотди. Шунга қарамадан, тадқиқотлар ҳали ҳам бу касалликларда PALM-COEIN дан бошқа таснифланиши бўйича консенсуснинг йўқлиги сабабли қийинлигича қолмоқда. Магнитли-резонанс томография ва трансвагинал УТТ таққосланувчи диагностик аниқликка эга. Охириги вақтларда интервенцион биопсиянинг минимал усуллари тадбиқ қилинган (Benagiano G, Nabiba M, 2012).

Калит сўзлари: репродуктив, бачадон бўйни раки, бачадондан аномал қон кетиш, морфметрия, биопсия, морфология.

Мавзунинг долзарблиги: Тарихий жиҳатдан ушбу касалликнинг ташхиси каттароқ репродуктив ёшдаги аёлларда гистерэктомиядан кейин қўйилган. Бироқ визуализациянинг ноинвазив усуллари (УТТ, компьютер томография-КТ, магнитли-резонанс томография-МРТ) ривожланиши ва кенг қўлланилиши сабабли аденомиоз 30 ёшгача бўлган аёлларда ҳам ва хаттоки ўсмирларда ҳам келиб чиқиши аниқланган. Айрим тадқиқотчилар таъкидлайдики, бачадон бўйни ракида бачадондан қон кетишини ташхисланишидаги бунчалик кенг ёш оралиғи визуализация усуллари учун ҳам, шунингдек патологоанатомик текширувлар учун ҳам



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

ягона стандарт ташхислаш меъёрларининг йўқлиги сабабли бўлиши мумкин. Шунингдек патологоанатомнинг ташхис қўйишда беморнинг анамнезини билиши сабабли мумкин бўлган тарафкашлиги ёки текширилаётган тўқималар намуналари миқдорида фарқларнинг бўлиши каби омиллар сабабли адабиётлардаги фарқланишлар бўлиши мумкин. (Casadio P, Raffone A 2021).

Ишнинг мақсади: Тадқиқотнинг мақсади аёлларда эндометрининг ҳолатини, бачадон аденомиози ва бачадондан аномал қон кетишини морфологиясини, ҳамда микроциркуляцион томирларининг ўзгаришларни баҳолаш ва морфометрик хусусиятлари мажмуасини ўрганиш.

Текшириш материаллари: Хоразм вилоятида яшовчи репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетишининг морфологик хусусиятларида морфологик, морфометрик, ретроспектив, гистокимёвий, статистик усулларидадан фойдаланилди.

Олинган натижалар: Ушбу олиб борилган илмий тадқиқот ишида, Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Хоразм филиалига 2021-2023 йилларда репродуктив ёшдаги аёллар бачадон бўйни ракида бачадонидан қон кетиш билан мурожаат қилиб келган жами 127 нафар беморнинг касаллик тарихи, клиник-анамнестик тахлили, даволаш-профилактик ташхислари, гистологик текширув, морфологик, морфометрик текширувлардан ўтказилди.

Қўйилган вазифаларни ечиш учун Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Хоразм филиалига репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетишлар билан мурожаат қилган 127 нафар беморлар 2 гуруҳга бўлинди, яъни асосий гуруҳ 107 нафари репродуктив ёшдаги аномал қон кетиш билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳи $n=20$ нафар худди шу ёш гуруҳидаги бачадондан аномал қон кетмаган, аммо нормал менструал цикли оғрикли ўтган беморлар текширилди (1-Жадвалга қаранг).

Беморларнинг ёшга нисбатан статистик тахлили қилиб қўрилганда 20-25 ёш оралиғида 2 нафар, 25-30 ёш оралиғида 5 нафар, 30-35 ёш оралиғида 20 нафар, 35-40 ёш оралиғида 23 нафар, 40-45 ёш 26 нафар, 45-49 ёш оралиғида 31 нафар, (2-Жадвалга қаранг).

1-Жадвал. Репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетишларда беморларнинг гуруҳларга тақсимланиши.





TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

2-Жадвал. Беморларнинг ёшга нисбатан статистик таҳлили.



2-жадвалда кўриниб турганидек, репродуктив ёшдаги аёллардан бачадондан аномал қон кетишлар асосан 40-49 ёшлардаги аёлларда кўп учрагани, яъни 57 нафарида учрагани аниқланди.

Назорат гуруҳидаги $n=20$ нафар соғлом аёллар ёшга нисбатан статистик таҳлил қилиб кўрилганда 20-25 ёш оралиғида 1 нафар, 25-30 ёш оралиғида 1 нафар, 30-35 ёш оралиғида 4 нафар, 35-40 ёш оралиғида 6 нафар, 40-45 ёш оралиғида 5 нафар, 45-50 ёш 3 нафар эканлиги кузатилди (3-Жадвалга қаранг).

3-Жадвал. Назорат гуруҳидаги $n=20$ нафар аёлларнинг ёшга нисбатан статистик таҳлили.

№	Ёши	Сони
1	20-25	1
2	25-30	1
3	30-35	2
4	35-40	3
5	40-45	7
6	45-50	6

3-Жадвалда назорат гуруҳида жами бўлган $n=20$ нафар соғлом аёлнинг ёшга нисбатан статистик таҳлилида ёшга нисбатан тахминан ўртача $34,8 \pm 1$ ёшда соғлом аёл эканлиги аниқланди.

Реапродуктив ёшдаги аёллар бачадон бўйни ракида бачадонидан аномал қон кетишларда уларнинг ҳудудлар кесимида, яъни Хоразм вилоятида жойлашган туман ва шаҳарлар ўрганилди. Натижада Урганч шаҳрида 26 нафар, Урганч туманида 21 нафар, Боғот туманида 3 нафар, Хонқа туманида 11 нафар, Гурлан туманида 8 нафар, Бериуний туманида 4 нафар, Қўшқўпир туманида 8 нафар, Хазорасп туманида 1 нафар, Хива туманида 7 нафар, Хива




TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

шахрида 1 нафар, Шовот туманида 4 нафар, Янгиариқ туманида 7 нафар, Янгибозор туманида 6 нафар беморлар Республика тез-тиббий ёрдам илмий амалий маркази Хоразм филиалига мурожаат қилишган. (4-Жадвалга қаранг).

4-Жадвал. РШТЁИАМ Хоразм филиалига репродуктив ёшдаги аёлларнинг бачадон бўйни ракида бачадонидан аномал қон кетишларнинг туман ва шаҳарлар кесимида мурожаатлари.



4-Жадвалда аниқланган репродуктив ёшдаги аёллар бачадон бўйни ракида бачадонидан аномал қон кетиш билан РШТЁИАМ Хоразм филиалига мурожаат қилган беморлар орасидан Урганч шаҳрида яшовчи беморлар юқори кўрсаткичда эканлиги аниқланди.

РШТЁИАМ Хоразм филиалига бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетиш билан мурожаат қилиб келган 107 та беморларнинг 68 таси бачадон ичи қириндиси гистологик текширилган бўлиб, 39 таси аденомиоз натижасида бачадондан аномал қон кетиши сабабли операцион олинган бачадон тўқималари ташкил қилди.

Шунингдек, репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетишларда уларнинг касаллик тарихи нусхалари кўчирмасидан олинган маълумотлар диққат билан ўрганиб чиқилди: дастлаб касаллик тарихи олд жилдидаги касалхонага берилган йўлланмадаги ташхис, қабулхонадаги ташхис, дастлабки клиник ташхис, клиник ташхис ва якуний клиник ташхисларнинг мазмуни, кетма-кетликда бир-бирига мослиги, қўйилган вақти, тузилиши бўйича тўлиқлигига эътибор берилди. Кейин анамнез маълумотлари билан танишиб, касалликнинг бошланиши, ривожланиб бориш давлари ва уларга хос бўлган клиник белгилари, касалхонага олиб келинганидаги шикоятлари, олиб борилган даволаш тадбирлари ва уларнинг касал организмга кўрсатган таъсирлари ўрганилди. Бунда, албатта даволовчи врач томонидан касаллик тарихининг юритилганлиги, барча қисмларининг тўлдирилиш сифати ва тўлиқлигига эътибор берилди.

Хулоса: 1. Эндометрий тўқимасининг морфофункционал фаол сохаларида қон кетиш фонида томирларнинг кенгайиши, эндометрий без эпителийларидаги морфометрик



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

параметрлари ўзгариши, ўлчами ошишига олиб келиши аниқланди, ҳамда қон томир диаметрлари, қон томирларнинг эгаллаган майдони морфометрик ўлчамини билиш, клиницистларга бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетиш кузатилганда қон кетишни прогнозлаш имконини яратди.

2. Эндометриал эпителия хужайраларининг цитометрик морфотиплари биринчи марта нормал ва патологик шароитида ўрганилди. Эндометрий саратонида ядролар майдони ўртача $85,87 \pm 7,60$ мкм² гача ошади ва бу кўрсаткич, эндометрийнинг бошқа ўрганилган патологияларидаги ядро майдонларининг ўртача қийматларидан юқори эканлиги исботланди.

3. Илк маротаба клиник, инструментал ва морфометрик тадқиқот усуллари асосида бачадон бўйни ракида бачадондан аномал қон кетиши билан оғриган аёлларда эндометрийнинг морфометрик параметрлари аниқланди. Морфометрик ўлчамлар орқали эндометрий без эпителийсининг нормага қараганда безли гиперплазияда, бир баробарга, атипик гиперплазияда эса икки уч баробарга, хавфли ўсма касаллиги яъни аденокарциномасида 5 олти барабарга ошганлиги кузатилди.

4. Бачадон бўйни раки натижасида аденомиозда бачадондан аномал қон кетишида эндометрий ва миометрий орасидаги ўтувчи зона шикастланиши, томирлар эндотелийсини калинлашиши, морфограммада эндометриал чегарадаги ўтувчи соҳанинг периметри $8765,51 \pm 28,16$ мкмда ошиб кетганлиги аниқланди. Эндометрий томирлари тўлақонлилик ва ўтказувчанлик ошиши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сатликов Р. К. и др. ИНФЕКЦИЯХ МОЧЕВЫХ ПУТЕЙ //Монография:-Т.:“О‘ЗКИТОБСАВДОНАШРИЙОТИ” NMIU. – 2022. – Т. 84.
2. Турсунов Х. З. и др. Буйрак ва буйрак усти беги касаллиги, уни даволаш усуллари ҳамда асоратлари (адабиётлар шарҳи) //Artikova DO XORAZM VILOYATIDA HOMILADOR AYOLLARDA SIYDIK YO ‘LLARI INFEKSIYASINI KECHISHI VA UNGA OLIV KELUVCHI OMILLAR. – 2022.
3. Юлдашев Б. С. и др. СНИЖЕНИЕ ЧАСТОТЫ РАЗВИТИЯ НОЗОКОМИАЛЬНОЙ ИНФЕКЦИИ МОЧЕВОГО ТРАКТА ПРИ СОЧЕТАНИИ АНТИБИОТИКОВ С ИММУНОМОДУЛЯТОРАМИ //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2024. – Т. 3. – №. 12. – С. 107-109.
4. Рузibaев Р. Ю., Шейхова Х. К., Каримов Р. Х. МОРФОМЕТРИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА АНОМАЛЬНЫХ МАТОЧНЫХ КРОВОТЕЧЕНИЙ У ЖЕНЩИН, ПРОЖИВАЮЩИХ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ //AMERICAN JOURNAL OF APPLIED MEDICAL SCIENCE. – 2024. – Т. 2. – №. 5. – С. 61-69.
5. Рузibaев Р. Ю. и др. АНОМАЛЬНЫХ МАТОЧНЫХ КРОВОТЕЧЕНИЙ У ЖЕНЩИН, ПРОЖИВАЮЩИХ В ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ //INTERNATIONAL CONFERENCE ON MEDICINE, SCIENCE, AND EDUCATION. – 2024. – Т. 1. – №. 11. – С. 110-112.
6. Каримов Р. Х. и др. ЗАМОНАВИЙ УЛЬТРОТОВУШ ТЕКШИРУВ АППАРАТЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ //INTERNATIONAL CONFERENCE ON MODERN DEVELOPMENT OF PEDAGOGY AND LINGUISTICS. – 2025. – Т. 2. – №. 4. – С. 13-13.
7. Каримов Р. Х., Джуманиязова Н. С., Ражабова Ш. Ш. ПАТОЛОГОАНАТОМИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ЖЕНСКОЙ ПЛАЦЕНТЫ, ПОГИБШЕЙ В РЕЗУЛЬТАТЕ МАТОЧНОГО КРОВОТЕЧЕНИЯ //SHOKH LIBRARY. – 2025.
8. Каримов Р. Х., Уринова Н. Б. ПАТОМОРФОЛОГИЯ ПЛАЦЕНТЫ БЕРЕМЕННЫХ ЖЕНЩИН, УМЕРШИХ ОТ МАТОЧНОГО КРОВОТЕЧЕНИЯ //EDUCATION



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

AND RESEARCH IN THE ERA OF DIGITAL TRANSFORMATION. – 2025. – Т. 1. – №. 1. – С. 579-582.

9. Абдураимов Т.М, Р.Ю.Рузибаев, Р.Х.Каримов, & А.А.Ражапов. (2025). РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОННИНГ НОРМАДА ВА ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРДАГИ ЭНДОМЕТРИЙ ЭПИТЕЛИАЛ ХУЖАЙРАЛАРНИ МОРФОЛОГИК БАХОЛАШ. INTERNATIONAL CONFERENCE OF NATURAL AND SOCIAL-HUMANITARIAN SCIENCES, 2(7), 83–84. <https://doi.org/10.5281/zenodo.17465250>

10. Абдураимов Т.М, Р.Ю.Рузибаев, Р.Х.Каримов, & А.А.Ражапов. (2025). РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА БАЧАДОНДАН АНОМАЛ ҚОН КЕТИШЛАРДА ЭНДОМЕТРИЙ ХОЛАТИНИ БАХОЛАШДА ИНСТРУМЕНТАЛ, КЛИНИК ВА ЦИТОМОРФОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ. INTERNATIONAL SCIENTIFIC INNOVATION RESEARCH CONFERENCE, 2(7), 33–34. <https://doi.org/10.5281/zenodo.17495689>

